

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2021.V.05.06 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДУМАРОВ МАҚСАДЖОН ЖУМАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФАУНАСИДА *DAPHNIA* (CLADOCERA: DAPHNIDAE)
АВЛОДИНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мадумаров Мақсаджон Жуманович

Ўзбекистон фаунасида *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлодининг морфо-биологик хусусиятлари ва амалий аҳамияти 3

Мадумаров Мақсаджон Жуманович

Морфо-биологические особенности и практическое значение видов рода *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) в фауне Узбекистана 21

Madumarov Maqsadjon Jumanovich

Morpho-biological features and practical significance of species of the genus *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) in the fauna of Uzbekistan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2021.B.05.06 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАДУМАРОВ МАҚСАДЖОН ЖУМАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФАУНАСИДА *DAPHNIA* (CLADOCERA: DAPHNIDAE)
АВЛОДИНИНГ МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛИЙ
АҲАМИЯТИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/В581 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fardu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Кучбоев Абдурахим Эргашевич**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шакарбоев Эркинжон Бердикулович**
биология фанлари доктори, профессор

Назаров Мухаммадрасул Шаропович
биология фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Наманган Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2021.В.05.06 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «28» январь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 712000, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19 уй, ФарДУ мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-29-71, факс (+99873) 244-44-93, E-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (146-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 712000, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19 уй, ФДУ мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-29-71, факс (99873) (+99873) 244-44-93)

Диссертация автореферати 2022 йил «14» «28» январь куни тарқатилди.
(2022 йил «14» «28» январдаги 2-рақамли реестр баённомаси)



И.И. Зокиров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., доцент.

Ш.Қ. Юлдашева
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент.

А.К. Хусанов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё миқёсида *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлоди вакиллари деярли барча кичик ва вақтинчалик сув хавзаларда, йирик сув омборларда, сунъий ва табиий кўлларда, балиқчилик хўжаликларда ва шоли поя хавзаларида учрайди. Дунё фаунаси 400 ортиқ турни ташкил қилиб, сув экотизими зоопланктонлари ичида муҳим бўғин ҳисобланади. Дафниялар сув хавзаларида учровчи микросувўтлар, бактериялар ва детритлар истеъмолчиси сифатида сувни филтрлаш жараёнида ҳам ўз ўрнига эга. Бундан ташқари балиқчилик соҳасида оқсилга бой табиий озуқа сифатида кенг қўлланилиб, уларни кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда *Daphnia* авлоди турларининг таксономияси бўйича янги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада жумладан, классик тадқиқот усуллари ёрдамида турларнинг морфологик белгилари бўйича классификациясини аниқлаш, фан ва техниканинг ривожланиши натижасида турларнинг аниқ таксономик ўрнини аниқлашда ДНК таҳлилларини амалга ошириш, турларни бошқа турлар билан қиёсий баҳолаш, келиб чиқишини, морфологик аниқлашдаги хатоларни бартараф этишда молекуляр-генетик таҳлиллардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сув хавзаларининг гидробиологик ҳолати, зоопланктон организмларни аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб боришга катта эътибор қаратилиб, молекуляр-генетик таҳлиллар орқали турларнинг систематик ўрнини белгилаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, сув хавзаларининг экологик ҳолати, дафния авлоди вакиллариининг тур таркиби, турли иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ривожланишини ўрганиш, балиқчилик хўжаликларида табиий озуқа сифатида дафния турларини табиий ҳолатда кўпайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сонли «Балиқчилик тармоғларини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, 2020 йил 29 августдаги ПҚ-4816-сонли «Балиқчилик тармоғини қўллаб қувватлаш ва уни самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кладоцерлар туркуми орасида энг кўп тарқалган тур *Daphnia* фаунаси ва таксономияси бўйича дунёнинг етакчи олимлари O.F. Müller (1785), D.S. Johnson (1951), L.J. Weider (1999), M. Woersma (2000), G.J. David (2000), A.H. Benzie (2005), F. Marrone (2007), J.Seda (2007), R. Vergilino (2009), H. Chizue (2014), B. Mittmann (2014), E.Özdemir (2017) томонидан изланишлар олиб борилган.

МДХ давлатларида М.К. Аскеров (1958), М.В. Мичукова (2008), Т.Л.Шашкова (2011), А.Г.Кирдяшева (2017), А.А. Котов (2013, 2019, 2021) ва бошқалар томонидан *Daphnia* авлоди вакиллариининг морфо-биологик хусусиятлари ва молекуляр идентификациясини аниқлаш юзасидан кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистонда ушбу тадқиқот йўналишида А.М. Мухамедиев (1967, 1986), Э.А. Тошпўлатов (1975), И.М. Мирабдуллаев (1990, 1992), Г.М.Рахматуллаева (1999), А.Р. Кузметов (1999, 2019) ва Х.Х.Абдиназаровлар (2018) томонидан зоопланктон организмларининг таксономияси, тарқалиши, экологик хусусиятлари ва балиқчилик сув хавзалари озуқа маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотлар Ўзбекистон фаунаси табиий ва сунъий сув хавзалари дафния авлоди турларининг тўлиқ ўрганилганлик ҳолати, *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлодининг морфо-биологик хусусиятлари, молекуляр идентификацияси ва амалий аҳамиятининг самарали усуллари бўйича етарли маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, Ўзбекистон сув хавзалари *Daphnia* авлодининг тур таркиби, морфо-биологик хусусиятлари, молекуляр идентификацияси, балиқчилик тармоғида табиий озуқа сифатида ишлаб чиқариш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга тадбиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-ОТ-2019-21 «Товар балиқ чавоқларини етиштиришда табиий озуқа базаси - планктон организмларни кўпайтириш

усуллари ва уларни амалий аҳамияти» (2019-2021 йиллар) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон фаунасида тарқалган дафния авлодининг тур таркиби, морфологияси, биологияси, молекуляр идентификацияси ҳамда балиқчилик соҳасидаги амалий аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон фаунасида *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлоди турлар таркибини тадқиқ қилиш;

Дафния авлоди турларини систематик ва морфо-биологик жиҳатдан тавсифлаш;

Ўзбекистон турли типдаги сув хавзаларида дафния авлоди турлар таркибини қиёсий ўрганиш ва уларнинг тарқалишини баҳолаш;

Паразит нематодаларнинг ривожланишида дафнияларнинг оралик хўжайин сифатида тадқиқ этиш;

Дафния турларини митохондриял ДНК 12S гени соҳалари нуклеотидлар кетма-кетлиги орқали идентификациялаш ва таҳлил қилиш;

Дафния турларини балиқларнинг табиий озукаси сифатида кўпайтириш ва балиқчилик хўжаликлари сув хавзалари маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Cladocera туркуми *Daphnia* авлодига мансуб турлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети *Daphnia* авлоди тур таркиби, тарқалиши, морфологияси, биологияси, молекуляр идентификацияси, кўпайтириш усуллари, балиқчилик хўжаликларидаги аҳамияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидробиологик, морфологик, молекуляр-генетик, биоинформатик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон сув хавзаларидаги *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлоди турлар таркиби таҳлил қилинди, 11 та турларнинг биологияси, морфологияси, морфометрияси, худудларда тарқалиши аниқланди. *Daphnia umbra* тури Ўзбекистон фаунаси учун янги тур эканлиги аниқланган;

Daphnia авлоди турларини идентификациялаш учун аниқлагич калитлар шакллантирилган;

Ўзбекистонда *Echinuria uncinata* паразит нематодасини дафнияда ривожланиш биологияси очиб берилган;

нематодаларнинг морфологик ва морфометрик ўлчамлари, яшаш муҳити, хароратга бўлган таъсири аниқланган;

дафния эфиппиуми бўйича молекуляр-генетик таҳлил ўтказилиб, натижада *Daphnia magna* турининг эфиппиуми эканлиги исботлаб берилган;

Ўзбекистонда дафниянинг 3 та турини митохондриял ДНК 12S соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида молекуляр идентификация қилинган;

хайвонларнинг органик ўғитлари (қорамол, от, парранда) ёрдамида дафния турларини кўпайтириш ва шу орқали балиқчилик хўжаликларида балиқлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон сув хавзаларида дафния авлоди турларининг тарқалиш даражаси аниқланган;

турли сув муҳитида ривожланиши бўйича хароратнинг таъсири, миграцияси, насл қолдириш даврини узайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

балиқлар учун табиий озуқа сифатида фойдаланиш учун уларни сунъий ва табиий шароитларда кўпайтиришга доир чора-тадбирлар бўйича тавсиялар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳозирги замонавий морфологик ва молекуляр усуллардан фойдаланилганлиги, маълумотлар статистик дастурлар BioEdit, Paup 4.0, Mega, Biostat-3.7 дастурларида таҳлил қилинганлиги, маълумотлар Халқаро Генбанк маълумотлар базасига (NCBI) жойлаштирилганлиги, натижаларни илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган амалий натижалар амалиётда қўлланилганлиги ҳақида давлат тузилмалари томондан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон фаунасидаги *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлоди турлари таркибининг аниқланганлиги, тарқалиши, морфологияси, биологияси, молекуляр идентификацияси, кўпайтириш усуллари очиқ берилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дафния турлари балиқчилик хўжаликларида табиий ва сунъий ховузларда кўпайтириш, кўпайтириш жараёнида маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш, табиий озуқа орқали сунъий озуқани тежаш ва шу орқали иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон фаунасида *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлодининг морфо-биологик хусусиятлари ва амалий аҳамияти юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон фаунасига тегишли бўлган *Daphnia* авлоди 8 турига мансуб 46 нусха, 2 турга мансуб 40 нусха дафния эфиппиумлар намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 11 октябрдаги 4/1255-2776-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд коллекция фондини янги намуналар билан бойитган ва Ўзбекистон фаунасида учрайдиган турлар таркибини аниқлаш, замонавий ҳолатини баҳолаш ва морфологик тузилишини аниқлаш имконини берган;

Дафния айрим турларининг митохондриял ДНК 12S соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбанк базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий марказининг 2021 йил 27 сентябрдаги маълумотномаси, NCBI). Натижада, ОК236552 – *Daphnia similis*, ОК236549 – *Daphnia magna*

(ep), OK236550 – *Daphnia magna*, OK216747 – *Daphnia galeata*, идентификация рақамлари олинган, турларни молекуляр таксономик ва филогенетик ўрнини асослаш имконини берган;

Daphnia (Cladocera: Daphniidae) авлоди турларидан балиқларни етиштиришда табиий озукаси сифатида фойдаланиш ва унинг биомассасини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари балиқчилик хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 26 мартдаги 02/23-551-сон маълумотномаси). Натижада, балиқчилик хўжаликлари сунъий ховузларида ҳайвонларнинг органик ўғитлари (қорамол, от, парранда) ёрдамида *Daphnia magna*, *D.pulex*, *D.similis* турларини 100 литр сувда 250-300 гр.гача биомассаси олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та амалий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, мақсад, вазифалари асосланади ҳамда объекти ва предмети тавсифланади. Тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “*Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлодининг ўрганилиш тарихи ва таҳлили” деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва хорижда дафния авлоди, дафнияларнинг паразит нематодаларининг оралиқ хўжайин сифатида учраши, молекуляр-генетик тадқиқотларнинг ўрганиш даражаси бўйича маълумотлар келтирилган. Олимлари томонидан дафния авлоди турларининг ўрганиш даражаси батафсил таҳлил қилинган.

Дунё ва Ўзбекистон фаунасида *Daphnia* авлодининг ўрганиш бўйича тадқиқотлар таҳлил этилган. Турли сув хавзаларида учровчи дафния турларининг тарқалиши, тур тавсифи, аниқлагич калитларини тузиш, сув

хавзалари бўйича нотекис тақсимланганлиги сабаблари, хўжалик аҳамияти бўйича маълумотлар ёритиб берилган. Молекуляр-генетик таҳлиллар, генетик тузилиши ва фенотипик девергенциясини аниқлашга оид тадқиқот натижалари баён этилган. Хорижий олимларнинг хужайра таркибидаги ДНКнинг тузилиши, яъни нуклеотидлар кетма-кетлигидаги ўзгаришларга қараб организмларни, турларнинг классификациясини тузишда таксономик белги сифатида, филогенетик ва генетик ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, молекуляр диагностикаси, филогенияси ва генетик хилма-хиллиги борасида олиб борилган замонавий молекуляр тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида гидробиологик тадқиқотлар олиб бориш, материал йиғиш, морфологик ва морфометрик, молекуляр-генетик усуллар ёритилган. ДНК ажратиш, ПЗР-амплификация, секвенирлаш, нуклеотидларни текислаш ва филогенетик ўтказишнинг методик ёндашуви баён қилинган.

Тадқиқот ишлари 2017-2021 йиллар давомида Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги вақтинчалик сув хавзалари, сув омборлари, табиий ва сунъий кўллар, балиқчилик хўжаликлари, шаҳар канализация чиқиндилари ҳовузларида стационар ва маршрутли тадқиқот усуллар ёрдамида йилнинг баҳор, ёз ва куз фаслларида олиб борилди ҳамда 8872 нусхадан иборат материаллар тўпланди. Тўпланган материаллар Benzie (2005) ва Котов (2019) ишлари асосида морфологик текширувлар ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистон фаунасида *Daphnia* авлоди турларининг тарқалиши, морфологияси, биологияси ва молекуляр-таксономик тавсифи”** номланиб, унда дафния авлодининг тур таркиби таҳлил қилинган, турларнинг морфологик тузилиши ва биологияси, турларнинг бир-бирдан фарқланиш белгилари ўрганилди. Ўрганилган турларнинг партеногенетик ва эркак индивидларининг фотосуратлари олиниб, чизмалари чизилди. Турларни аниқлаш учун аниқлагич калитлари шакллантирилди.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон сув хавзаларида 2 та кенжа авлод, 11 тур аниқланди. Олинган натижалар вилоятлар сув хавзалари кесимда таҳлил этилган. Наманган, Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги сув хавзаларида *D.curvirostris*, Андижон, Фарғона, Жиззах, Бухоро вилоятларидаги сув хавзаларида *D.similis*, Қорақалпоғистон ҳудудидаги сув хавзаларида *D.galeata* турлари илк мартаба қайд этилди. Лекин Андижон вилоятидаги сув хавзаларида *D.pulicaria*, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги сув хавзаларда *D.pulex*, Жиззах вилоятидаги сув хавзаларда *D.laevis* турлари аниқланмади. Фарғона вилояти Каркидон сув омборида олиб борилган тадқиқотлар натижасида *D.umbra* тури илк мартаба қайд этилди. Айрим турларнинг йил давомида учраш даражаси, кўпайиш жараёни ва биологияси ўрганилди.

Турларнинг хароратга бўлган муносабати ўрганилганда *D. pulicaria*, *D.atkinsoni* турлари ўртача ҳаво харорати 28-30 °С (сув харорати ўртача 18-25 °С) бўлган вақтларда фаол ривожланиши, *D. curvirostris*, *D. magna*, *D. similis*

турлари эса ҳаво ҳарорати илқ даврлар (сув ҳарорати ўртача 15-19 °С) бошланган март-апрель ойларидан бошлаб, ноябрь ойи 10-саналарига қадар ривожланиши аниқланди. Март ойининг иккинчи ярмида кичик сув хавзаларида ва балиқчилик хўжаликларида фақат *D. magna* тури қайд этилган бўлса, апрель ойининг биринчи ўн кунлигида (сув ҳарорати ўртача 18-22 °С) 2 та тур қайд этилди. Июль ва августнинг биринчи ярмида ҳаво ҳароратининг 35 °С дан юқори (сув ҳарорати ўртача 32-34 °С) бўлиши айрим турларга салбий таъсир этиб, *D. pulicaria*, *D. atkinsoni* турларини ривожланишини чеклайди. Илик келган (сув ҳарорати ўртача 16-18 °С) ноябрь ойининг биринчи ярмида (2019 й) балиқчилик хўжалиги ҳовузида (чуқурлиги 0,4 м.) *D. curvirostris* тури қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийси сув хавзаларида дафния авлоди турларининг йил давомида учраш динамикаси (2019-2020 йиллар)

Тур номи	Ойлар																	
	Март		Апрель		Май		Июнь		Июль		Август		Сентябрь		Октябрь		Ноябрь	
	II	I	II	I	II	I	II	I	II	I	II	I	II	I	II	I	II	
<i>D. curvirostris</i>	-	<	<	<	<	<	<	+	+	+	<	<	<	<	+	+	-	
<i>D. pulicaria</i>	-	-	-	+	+	>	>	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	
<i>D. magna</i>	>	<	<	<	<	<	+	+	>	>	<	<	<	<	<	-	-	
<i>D. atkinsoni</i>	-	-	-	+	+	>	>	-	-	-	>	+	+	-	-	-	-	
<i>D. similis</i>	-	>	<	<	<	<	<	<	+	+	<	<	<	<	+	-	-	

Шартли белгилар: 0 % - тарқалмаган, 15-20 % гача – кам тарқалган, 40-50 % - ўртача тарқалган, 70-80 % гача – кўп тарқалган.

- Тарқалмаган > Кам тарқалган


+ Ўртача тарқалган < Кўп тарқалган

Энг йирик тур *Daphnia magna*, *Daphnia cucullata* энг кичик тур ҳисобланади. *D. atkinsoni*, *D. similis*, *D. curvirostris* турлари нисбат ўртача катталиқдаги турлар сифатида қайд этилди. *D. lumholtzi*, *D. longispina*, *D. similis* турларининг танага нисбат дум игналарининг узунлиги билан бошқа турлардан фарқ қилди. *D. longispina*, *D. galeata*, *D. curvirostris*, *D. similis* турларининг постабдомин шакли деярли ўхшаш ва сон жиҳатдан яқин эканлиги қайд этилди. Бундай ўхшашлик *D. longispina*, *D. galeata*, *D. pulex*, *D. lumholtzi* турларининг эркакларида учрайди. Эркак турларнинг тана ҳажми деярли бир - бирига ўхшаш бўлиб, вентрал қисмидаги тукчалари ва I антенналари, мандибулалари орқали фарқлар кузатилди (2-жадвал).

Дафния турларининг морфологик ўлчамлари (мм, (Lim , $M \pm m$), $n=10$)

Белгилари	Турлар номи										
	<i>D. longispina</i>	<i>D. cucullata</i>	<i>D. galeata</i>	<i>D. umbra</i>	<i>D. curvirostris</i>	<i>D. pulex</i>	<i>D. pulicaria</i>	<i>D. magna</i>	<i>D. lumholtzi</i>	<i>D. atkinsoni</i>	<i>D. similis</i>
Партеногенетик урғочи											
Узунлиги	1,280-2,450 (1,924±0,04)	0,898-1,350 (1,140±0,02)	1,798-2,250 (2,040±0,01)	1,205-2,680 (2,150±0,05)	2,740-3,250 (3,060±0,02)	2,200-3,450 (3,300±0,02)	2,100-3,050 (2,550±0,01)	4,450-6,050 (4,150±0,02)	1,567-2,490 (2,350±0,01)	2,340-3,850 (3,650±0,02)	2,350-3,950 (3,350±0,02)
Дум игнаси	0,620-0,980 (0,710±0,02)	0,510-0,680 (0,580±0,02)	0,610-0,660 (0,645±0,04)	0,300-0,340 (0,325±0,02)	0,240-0,325 (0,295±0,04)	0,245-0,335 (0,310±0,01)	0,345-0,365 (0,360±0,01)	0,355-0,365 (0,360±0,02)	0,710-1,160 (0,945±0,02)	0,242-0,325 (0,298±0,04)	1,245-1,335 (1,305±0,01)
Роструми	0,178-0,256 (0,175±0,02)	0,078-0,121 (0,099±0,02)	0,068-0,146 (0,130±0,04)	0,078-0,156 (0,125±0,02)	0,208-0,234 (0,225±0,03)	0,148-0,195 (0,175±0,02)	0,268-0,275 (0,272±0,01)	0,278-0,305 (0,292±0,01)	0,285-0,340 (0,325±0,02)	0,218-0,234 (0,228±0,03)	0,208-0,215 (0,213±0,02)
Кўзи	0,142-0,238 (0,123±0,01)	0,065-0,110 (0,095±0,02)	0,063-0,095 (0,085±0,02)	0,090-0,100 (0,093±0,01)	0,095-0,125 (0,118±0,01)	0,093-0,115 (0,108±0,01)	0,083-0,98 (0,095±0,02)	0,093-0,098 (0,095±0,02)	0,073-0,085 (0,082±0,03)	0,115-0,125 (0,118±0,01)	0,098-0,115 (0,106±0,01)
II антенна узунлиги	0,978-2,186 (1,750±0,04)	0,648-0,940 (0,840±0,01)	0,668-0,915 (0,825±0,02)	0,778-1,486 (1,250±0,04)	1,668-2,115 (1,890±0,05)	1,768-2,215 (2,090±0,03)	1,668-1,980 (1,975±0,03)	1,672-1,980 (1,898±0,01)	0,768-0,905 (0,840±0,02)	1,768-1,995 (1,890±0,05)	1,168-1,715 (1,590±0,03)
1-абдомен ўсиқлар	0,180-0,396 (0,295±0,06)	0,081-0,089 (0,085±0,02)	0,175-0,356 (0,305±0,02)	0,180-0,396 (0,295±0,06)	0,295-0,556 (0,510±0,05)	0,315-0,595 (0,540±0,05)	0,318-0,505 (0,460±0,01)	0,498-0,595 (0,565±0,01)	0,290-0,386 (0,355±0,02)	0,298-0,456 (0,440±0,05)	0,415-0,545 (0,520±0,05)
2-абдомен ўсиқлар	0,189-0,265 (0,246±0,04)	0,046-0,056 (0,054±0,03)	0,086-0,186 (0,170±0,01)	0,089-0,165 (0,146±0,04)	0,186-0,386 (0,330±0,04)	0,415-0,580 (0,538±0,02)	0,315-0,500 (0,480±0,02)	0,215-0,350 (0,330±0,01)	0,186-0,190 (0,188±0,03)	0,186-0,236 (0,210±0,04)	0,285-0,380 (0,308±0,02)
3-абдомен ўсиқлар	0,107-0,150 (0,140±0,05)	0,010-0,017 (0,014±0,05)	0,018-0,027 (0,024±0,03)	0,77-0,100 (0,080±0,05)	0,167-0,246 (0,224±0,02)	0,210-0,256 (0,240±0,03)	0,300-0,305 (0,303±0,02)	0,150-0,240 (0,189±0,01)	0,078-0,087 (0,084±0,03)	0,177-0,220 (0,204±0,02)	0,110-0,156 (0,140±0,03)
Постабдомен тиш сони: дона	10-15	6-8	10-14	9-13	10-12	12-15	13-16	9-12	8-14	7-14	9-14
Эркаги											
Узунлиги	0,810-1,550 (1,136±0,02)	0,715-0,950 (0,910±0,01)	0,950-1,600 (1,520±0,02)	1,010-1,510 (1,390±0,01)	0,750-1,110 (1,000±0,02)	1,205-1,780 (1,650±0,03)	1,200-1,570 (1,490±0,01)	1,700-2,470 (2,250±0,01)	0,945-1,580 (1,420±0,02)	1,010-1,530 (1,236±0,02)	1,220-1,450 (1,390±0,01)
Дум игнаси	0,326-0,516 (0,456±0,02)	0,250-0,340 (0,320±0,04)	0,450-0,780 (0,650±0,01)	0,400-0,680 (0,520±0,01)	0,240-0,480 (0,450±0,05)	0,235-0,420 (0,390±0,01)	0,225-0,320 (0,310±0,01)	0,215-0,280 (0,270±0,02)	0,550-0,760 (0,655±0,01)	0,336-0,416 (0,386±0,02)	0,222-0,290 (0,270±0,01)
Роструми	0,075-0,105 (0,093±0,02)	0,030-0,050 (0,045±0,02)	0,045-0,050 (0,048±0,02)	0,028-0,030 (0,029±0,01)	0,035-0,040 (0,038±0,02)	0,038-0,040 (0,039±0,01)	0,028-0,030 (0,029±0,01)	0,038-0,050 (0,045±0,02)	0,025-0,030 (0,028±0,02)	0,055-0,065 (0,063±0,02)	0,028-0,030 (0,029±0,01)
Кўзи	0,102-0,194 (0,156±0,01)	0,015-0,050 (0,046±0,04)	0,045-0,050 (0,046±0,01)	0,055-0,076 (0,072±0,02)	0,050-0,054 (0,052±0,01)	0,056-0,078 (0,072±0,02)	0,055-0,076 (0,072±0,02)	0,053-0,066 (0,062±0,04)	0,048-0,050 (0,049±0,01)	0,102-0,144 (0,136±0,01)	0,065-0,076 (0,072±0,02)
II антенна узунлиги	0,648-1,179 (1,015±0,04)	0,385-0,650 (0,550±0,01)	0,375-0,635 (0,545±0,01)	0,570-0,725 (0,690±0,02)	0,475-0,635 (0,560±0,03)	0,575-0,735 (0,710±0,03)	0,578-0,705 (0,690±0,02)	0,478-0,695 (0,640±0,02)	0,325-0,355 (0,350±0,01)	0,568-0,979 (0,870±0,04)	0,678-0,715 (0,695±0,02)
1-абдомен ўсиқлар	0,072-0,079 (0,075±0,01)	0,072-0,079 (0,075±0,01)	0,020-0,025 (0,024±0,01)	0,078-0,081 (0,080±0,02)	0,020-0,025 (0,023±0,03)	0,078-0,091 (0,086±0,02)	0,088-0,091 (0,090±0,02)	0,025-0,032 (0,030±0,01)	0,010-0,015 (0,012±0,01)	0,020-0,025 (0,024±0,01)	0,018-0,021 (0,020±0,02)
2-абдомен ўсиқлар	0,075-0,098 (0,089±0,02)	0,030-0,045 (0,040±0,02)	0,120-0,090 (0,105±0,01)	0,055-0,058 (0,057±0,01)	0,025-0,032 (0,030±0,01)	0,015-0,018 (0,017±0,01)	0,055-0,058 (0,057±0,01)	0,025-0,030 (0,029±0,01)	0,010-0,015 (0,012±0,02)	0,015-0,018 (0,017±0,02)	0,018-0,023 (0,021±0,02)
3-абдомен ўсиқлар	0,072-0,095 (0,092±0,02)	0,015-0,025 (0,018±0,01)	0,050-0,075 (0,060±0,02)	0,035-0,040 (0,037±0,02)	0,025-0,030 (0,028±0,01)	0,015-0,018 (0,017±0,01)	0,045-0,052 (0,047±0,02)	0,027-0,031 (0,030±0,01)	0,010-0,015 (0,012±0,02)	0,072-0,085 (0,082±0,02)	0,018-0,020 (0,019±0,02)
Постабдомен тиш сони: дона	8-9	5-8	8-10	6-8	8-13	8-11	11-14	6-9	8-12	6-9	10-13

Дафния - паразит нематодаларнинг оралик хўжайини. 200 дона дафния намуналари гельминтологик текширилганда 11,5% и паразит нематода тухумлари ва личинкалари борлиги аниқланди. Дафнияларнинг паразит нематода личинкалари билан зарарланишда инвазия интенсивлиги 2-6 нусхани ташкил этди. Морфологик ва морфометрик таҳлиллар натижасида Echinuriinae кенжа оиласи *Echinuria* авлоди мансуб бўлган *Echinuria uncinata* тури эканлиги аниқланди. Тухуми овалсимон шаклда, узунлиги 0,037-0,039 мм, кенглиги 0,021-0,023 мм (1-расм, 1). Личинкалари оқиш, жигарранг рангда, бош ва дум қисми яссилашган, бош томони тўмтоқ, учида бўртиқчаси бор (1-расм. 2). Дум қисми нисбатан ўткирлашган. Личинкаларнинг узунлиги 0,950-1,689 мм ва кенглиги 0,048-0,055 мм. Тананинг олдинги учидан 0,04-0,05 мм масофада кутикула тиканли қоплағич бошланиб, орқа учидан 0,03-0,04 мм масофагача қоплаган. Тананинг олдинги учигаги бойлам узунлиги 0,124 мм, форинкснинг узунлиги 0,082-0,089 мм, цилиндр шаклида, олдинги учи варонка шаклида. Қизилўнғачнинг олдинги мускул қисмининг узунлиги 0,220-0,266 мм, орқа безли қисми 0,706 мм. Нерв тугуни тананинг олд учидан 0,1 мм масофада жойлашган(1-расм, 2).




1-расм. *Echinuria uncinata* нематодаси личинкалари: 1 - тухуми ва I-босқич личинкаси; 2 - инвазион личинкаси

Ўзбекистонда *E.uncinata* нематодасини оралик хўжайини *D.magna* да илк бор ўрганилиб, нематода личинкаларнинг ривожланиш биологияси ўрганилди. Нематода тухумлари дафния ичагида биринчи босқичини ўтказиб, кейин ичак деворидан тана бўшлиғига ўтиши кузатилди. У ерда то етук инвазион личинка бўлгунига қадар ривожланди. Сув харорати 13-15°C да дафния танасидаги *E.uncinata* нематоданинг тўлиқ ривожланиши 24-26 кун, 20-22°C да 9-10 кун, 26-28°C да 8-9 кунда учинчи босқич инвазион ҳолатга етиб, асосий хўжайин ўрдак ва ғозларга юқиш даражасида ривожланди.

Дафния авлоди турларининг молекуляр таксономияси. Вақтинчалик кичик сув хавзалари дафния авлоди турларини яшовчанлик даврилиги жуда қисқа ҳисобланади. Шунга қарамай, бу жойларда дафния мавжудлигини таъминловчи асосий омил эфиппиумдир. Дафнияларнинг яшаш


мавсумийлигини ҳисобга олсак, турларни таркибини аниқлашда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Лекин ҳозирги молекуляр-генетик тадқиқотлар ушбу ҳолатни анча енгиллаштиради.

Турли ҳудудлардан йиғилган эфиппиумлардан геном ДНК ажратилди. Олинган намуналар мДНК 12S соҳаси ПЗР-амплификация қилинди ва гелълектрофорез орқали текширилганда 300 дан ошиқ жуфт нуклеотидлар борлигини аниқланди (2-расм). Ҳосил бўлган ПЗР маҳсулотлари тозаланиб, секвенатор ёрдамида ўқитилди.



2-расм. ДНКнинг гелъэлектрофорездаги тасвири. М-маркер, 1,2,3,4-намуналар, С - (дистил. сув)


ПЗР маҳсулоти намуналарини сиквенс қилиш натижасида олинган нуклеотидлар кетма – кетлиги Bioedit, Clustal W ва RAUP4 махсус компьютер дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Тадқиқот натижасида мДНК 12S соҳасидан қисман 320 жуфт нуклеотидлар кетма-кетлиги ажратилди (3-расм).



3-расм. Митохондриал ДНК 12S соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги фрагментлари (5' дан 3'–охирги учга томон йўналишда).

Таҳлил натижаларига кўра, эфиппиум намуналари мДНКнинг 12S соҳаси нуклеотидлар кетма – кетлигини ҳалқаро ГенБанк баъзасидаги турлар билан солиштирилганда *D.magna* (МН683664) билан 100% ўхшашлиги аниқланди. Демак, молекуляр тадқиқотларда ўтказилган эфиппиумлар Ўзбекистон фаунасида учровчи *D.magna* турининг эфиппиуми эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари, *D. galeata* тури нуклеотидлари 198-ўриндаги *D.galeata_Uz* бўйича тимин, *D.galeata* (МН378263) бўйича эса – аденинга, 283 ўринда *D. galeata_Uz* бўйича аденин, *D.galeata* (МН378263) бўйича эса – тиминга алмашгани қайд этилди. Ўрганилган 430 жуфт асослардан ташкил топган узунликдаги 12S соҳасидаги иккита нуклеотид ўзаро фарқланишлар кўрсатгичи 0,5 % ни ташкил қилди (4-расм).



4-расм. *D. galeata* нуклеотид кетма–кетликларини солиштириш фрагментлари (5’ дан 3’–охирги учга томон йўналишда).

Шу каби *D. similis_Uz* турининг нуклеотидлари Ҳалқаро Генбанк базаси (NCBI)да мавжуд *D. similis* (LC389172) билан солиштирилганда 140 ўриндаги *D. similis_Uz* бўйича гуанин, *D.similis_LC389172* бўйича эса – цитозин асосидаги фарқлар аниқланди. Ўрганилган 339 жуфт асослардан ташкил топган 12S соҳасидаги битта нуклеотид ўринидаги ўзаро фарқланишлар кўрсатгичи бўйича 99,7 % ўхшаш бўлиб, бу фарқланишлар кўрсатгичи турлар ичидаги ўзгарувчанликка хосдир.


Олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги Халқаро ГенБанк базасига жойлаштирилиб, кириш рақамлари олинди (3-жадвал).

3-жадвал

Халқаро Генбанк (NCBI) базасига қўйилган турларнинг кириш рақамлари

№	Тур номи	Инвентар (кириш) рақами
1	<i>Daphnia similis</i>	OK236552
2	<i>Daphnia magna</i> (ep)	OK236549
3	<i>Daphnia magna</i>	OK236550
4	<i>Daphnia galeata</i>	OK216747

Молекуляр тадқиқот олиб борилган турларнинг филогенетик муносабатларини таҳлил қилишда *D.magna* (MH683664), *D.similis* (LC389172), *D.galeata* (MH378263), *D.mendotae* (AF277267), *D.hispanika* (LR006384) ҳамда ташқи тур сифатида *Ceriodaphnia pulchella* (DQ470585) нуклеотидлари, Халқаро ГенБанк Базаси (NCBI) маълумотларидан олиб фойдаланилди. Филогенетик шажара дарахти бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, солиштириш учун олинган *D. magna_Uz* тури *D.magna* (MH683664) билан, *D.similis* тури *D.similis* (LC389172) билан, *D.galeata* тури *D.galeata* (MH378263) билан мос ҳолда ягона гуруҳда бирлашди. *D. magna* ва *D. similis* гуруҳларида орасидаги ўхшашликлар эса 98 % ни ташкил этди. *D.galeata* гуруҳи *D.mendotae* (AF277267) тури билан солиштирилганда 97 % ўхшашлиги, бу ўхшашлик *D.hispanika* (LR006384) билан солиштирилганда 95% ўхшашлиги аниқланди. Ташқи тур сифатида *Ceriodaphnia pulchella* (DQ470585) 83% га яқин бўлган алоҳида мустақил эволюция чизигини ҳосил қилган (5-расм).



5-расм. Максимал ҳақиқатга ўхшашлик алгоритми асосида қурилган *Daphnia* авлоди турларининг филогенетик дарахти

Диссертациянинг “Дафнияларининг балиқчиликдаги аҳамияти” деб номланган тўртинчи бобида дафнияларни узок муддат давомида кўпайтириш усуллар баён этилиб, маҳаллий ҳайвон гўнглари (қорамол, от, парранда) орқали дафниянинг кўпайтириш усуллари ёрдамида амалга оширилди. Дафния узунлиги 10 м, кенлиги 5 м, баландлиги 0,8-1,0 м., ҳажми 40-50 м³.ни бўлган ҳовузда етиштирилди (6-расм).

Ҳаво хароратига қараб ҳовузларда сувнинг миқдорини турли даражада сақлаб турилди. Сув сатҳининг пастиги сув харорати юқори бўлишига сабаб бўлди. Май-июн ойларида ҳаво хароратининг кўтарилиши билан биргаликда сув сатҳини ҳам кўтарилди (0,8-1,5 м). Ҳаво харорати исиб кетиши кузатилганда ҳовузнинг қуёш тушадиган томонига соябонлар ўрнатилди.

Мол гўнги орқали дафния ҳовузларини озикланишда ҳовузнинг 3-5 жойига сомон ёки шולי похולי солиниб устига гўнг солинди. Шундан сўнг ҳовуз суви куннинг хароратига қараб кўтарилиб борилди. Бунда гўнгдаги органик моддалар дафниянинг фаол ривожланиши учун энг асосий омил ҳисобланди. 7 кундан сўнг 100 литр сувда ўртача 280 гр.га яқин дафния тури биомасси олинди. 10-15 кундан сўнг яна озиклантирилди.




6-расм. Дафния кўпайтириш учун ҳовузлар. а) оддий, б) бетондан

Шундай усул орқали парранда ва от гўнгларида ҳам фойдаланиш юқори самара берди. 1 м³ сув учун 1,5 кг гўнг миқдорида янги от гўнги қўлланилди. Гўнги сомонсиз суюлтирилди. 8-10 кундан сўнг, от гўнгининг янги қисми 1 м³ сув учун 0,75 кг миқдорида кўшилди. Айниқса парранда гўнги таркибида органик моддаларнинг бойлиги, бижғиш жараёнининг тезлиги сабабли биринчи кўпайиш давридан сўнг 100 литр сувда ўртача 310 гр.га маҳсулот олинди. Шу сабабли дафния етиштиришда парранда гўнгида фойдаланиш яхши натижа берди, лекин узоқ муддатда фойдаланиш сувнинг ифлосланиш даражасини орттирди.

Дафниянинг биомассасини кўпайтиришда ҳовузи модели. Балиқ маҳсулотларини етиштиришда табиий озуқа сифатида дафнияни

кўпайтиришда кичик хажмли ҳовуз модели ишлаб чиқилди (8-расм). Ҳовузнинг сув кириш (1) қисмига фильтр қўйилиб сув билан тўлдирилди. Ҳовуздаги озуқа идишига (4) ҳайвон (қорамол ёки парранда) гўнги (4 кг дан 1 м^3) ва похол (ёки сомон)ни кетма-кет солиб тўлдирилди. Тўлдириш жараёнида тайёрланган ачитқидан 1 м^3 учун 20 гр қўшиб борилди. Иккинчи кун дафниядан 20-30 гр биомасса сувга қўйиб юборилди. Шундан сўнг ҳовуз (2) деворларига 1 м^3 учун 20 гр.дан ачитқи қўйилди. Дафния бир авлод кўпайгандан сўнг чиқариш крани (3) орқали ҳовуздаги сув чиқарилиб, ҳовузнинг пастки чуқур қисмига етганда кран беркитилди. Бу қолган сув келгуси биомасса учун оналик вазифасини бажарди. Озуқа идишига (4) дастлаб похол ёки сомон ёзилди унинг устидан гўнг (қорамол ёки парранда) (10 см қалинликда) ва яна похол ёки сомон ёзилиб, идиш тўлгунга қадар шу ҳолат такрорланди. Маҳаллий органик ўғитлардан фойдаланган ҳолда дафния биомассини кўпайтириш партеногенез даврени 5 мартадан 7 мартагача ошириш имконини берди.



7-расм. Дафния ҳовузининг модел чизмаси.

Daphnia (Cladocera: Daphniidae) авлоди турларидан балиқларни етиштиришда табиий озуқаси сифатида фойдаланиш ва унинг биомассасини ошириш йўллари Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари балиқчилик хўжаликларида турларни морфобиологик таснифи, озуқавий қиймати ўрганилган ва сунъий ҳовузлар ташкил этилиб, ҳайвонларнинг органик ўғитлари (қорамол, от, парранда) ёрдамида 100 литр сувда 250-300 гр маҳсулдорлик кўрсаткичини ошириш имконини берган.

Олинган илмий тадқиқотлар натижалари ва адабиёт маълумотларидан фойдаланган ҳолда, балиқларнинг табиий озуқаси – дафнияларни кўпайтириш, маҳаллий ҳайвон гўнгларида фойдаланиш, дафния ҳовузларини назорат қилиш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилди.

ХУЛОСАЛАР

«Ўзбекистон фаунасида *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) авлодининг морфо-биологик хусусиятлари ва амалий аҳамияти» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистон фаунасида *Daphnia* авлодининг 2 та кенжа авлодига тегишли 11 тур аниқланди. Шундан, *D.umbra* Ўзбекистон фаунаси учун янги тур тури сифатида илк мартаба қайд этилди.

2. Ўзбекистоннинг Наманган, Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги сув хавзаларида *D.curvirostris*, Андижон, Фарғона, Жиззах, Бухоро вилоятларидаги сув хавзаларида *D.similis*, Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган сув хавзаларида *D.galeata* турлари илк мартаба қайд этилди.

3. Турлар ичида энг йириги *Daphnia magna*, энг кичик тур сифатида эса *Daphnia cucullata* ҳисобланди. *D. atkinsoni*, *D. similis*, *D.curvirostris* турлари нисбат ўртача катталиқдаги турлар сифатида қайд этилди. *D. lumholtzi*, *D. longispina*, *D. similis* турларида танага нисбат дум игналарининг узунлиги билан бошқа турлардан фарқ қилиши, *D. longispina*, *D. galeata*, *D. curvirostris*, *D. similis* турларининг постабдомин тишчалари шакли ўхшаш эканлиги аниқланди. Шу билан бирга мазкур турлар учун аниқлагич калитлари шакллантирилди.

4. Турларнинг хароратга бўлган муносабати ўрганилганда *D. pulicaria*, *D. atkinsoni* турлари ўртача ҳаво харорати 28-30 °С (сув харорати ўртача 18-25 °С) бўлган вақтларда фаол ривожланиши, *D. curvirostris*, *D. magna*, *D. similis* турлари эса ҳаво харорати илқ даврлар (сув харорати ўртача 15-19 °С) бошланган март-апрель ойларидан бошлаб, ноябрь ойи 10-санасига қадар ривожланиши аниқланди. Ҳаво хароратининг 35 °С дан юқори (сув харорати ўртача 32-34 °С) бўлган пайтларда *D. pulicaria*, *D. atkinsoni* турларини ривожланишида чеклашлар кузатилди.

5. Ўзбекистонда илк мартаба *Echinuria uncinata* паразит нематодасини дафния - оралиқ хўжайини эканлиги аниқланди. Шу билан бирга мазкур нематодани ривожланиш биологияси, морфологияси, морфометрик ўлчамлари ва сув хароратига бўлган таъсирчанлиги аниқланди.

6. Ўзбекистонда илк мартаба дафния эфиппиумларидан молекуляр тадқиқотлар ўтказилиб, олинган натижалар асосида йиғилган эфиппиумлар *Daphnia magna* турига мансублиги қайд этилди.

7. Ўзбекистонда илк мартаба дафния авлодига мансуб *D.galeata* ва *D.similis* тури молекуляр жиҳатдан ўрганилди ва Халқаро ГенБанк базасига солиштирилганда юқоридаги турлар тасдиқланди.

8. Молекуляр таксономик тадқиқотлар ўтказилган дафния авлодига мансуб *Daphnia magna*, *D. galeata* ва *D. similis* турлари ва шу турларга яқин ГенБанк базасидан олинган турлар ўртасида филогенетик шажара тузилиб, гуруҳлар ўртасида 95 % яқинлик мавжудлиги қайд этилди.

9. Дафнияларни балиқчиликда фойдаланиш учун кўпайтиришда сунъий ҳовузлар ташкил этилиб, ҳайвонларнинг органик ўғитлари (қорамол, от, парранда) ёрдамида 100 литр сувда 250-300 гр маҳсулот олишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03 / 30.06.2021.В.05.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАДУМАРОВ МАКСАДЖОН ДЖУМАНОВИЧ

**МОРФО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ПРАКТИЧЕСКОЕ
ЗНАЧЕНИЕ ВИДОВ РОДА *DARHNIA* (CLADOCERA: DARHNIIDAE) В
ФАУНЕ УЗБЕКИСТАНА**

03.00.06 – Зоология

**АФТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/B581.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fardu.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Кучбоев Абдурахим Эргашевич
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шакарбоев Эркинжон Бердикулович
доктор биологических наук, профессор

Назаров Мухаммадрасул Шаропович
кандидат биологических наук, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманганском Государственном Университете

Защита диссертации состоится «28» января 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2021.V.05.06 при Ферганском Государственном Университете. Адрес: 712000, г.Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Актовый зал ФарГУ. Тел.: (+99873) 244-29-71, факс (+99873) 244-44-93, E-mail: fardu_info@umail.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганском Государственном Университете (зарегистрирована за №146). Адрес: 712000, г.Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел.: (+99873) 244-29-71, факс (+99873) 244-44-93.

Автореферат диссертации разослан «14» января 2022 года.
(реестр протокола рассылки №2 от «14» января 2022 года).



И.И. Зокиров
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней д.б.н., доцент.

Ш.К. Юлдашева
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней к.б.н., доцент.

А.К. Хусанов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней д.б.н., доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во всем мире представители рода *Daphnia* (Cladocera: Daphniidae) встречаются почти во всех малых и временных водоемах, крупных водоемах, искусственных и естественных озерах, рыбных промыслах и бассейнах с рисовыми культурами. Мировая фауна состоит из более чем 400 видов и является важным звеном водной экосистемы зоопланктона. Дафнии также играют важную роль в процессе фильтрации воды в качестве потребителя микрофлоры, бактерий и детрита обитающих в водоемах. Они также широко используются в рыбной промышленности в качестве богатой белком натуральной пищи, и разработка и совершенствование научных основ для их воспроизводства имеют большое научное и практическое значение.

В мире проводятся новые исследования касающиеся таксономии видов рода *Daphnia*. В этом отношении ведущие научно исследовательские направления, такие как: определение морфологических признаков видов с помощью классических методов, точное определение таксономического местоположения видов с развитием научно-технического прогресса, сравнение видов с другими близкородственными видами, особое внимание уделяется использованию молекулярно-генетического анализа в целях устранения ошибок в морфологических определениях.

В нашей стране особое внимание уделяется изучению гидробиологического состояния водоемов, выявлению зоопланктонных организмов и их практическому значению. Проводятся исследования по определению систематического местоположения видов с помощью методов молекулярно-генетического анализа. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений ...»². Исходя из этих задач, например, принимая во внимание экологическое состояние водоемов, видовой состав рода дафний, с учетом различных климатических условий изучение развития дафнии, воспроизводство видов дафний естественным путем в качестве естественного корма в рыбоводстве имеют важное научно - теоретическое и практическое значение.

В этой связи данная исследовательская работа служит в качестве внедрения в практику поставленные задачи в Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 г. «О мерах по совершенствованию управления рыболовством». Постановление Президента Республики Узбекистан № УП-3657 от 6 апреля 2018 г. «О дополнительных мерах по ускоренному развитию рыбной отрасли», Постановление Президента Республики Узбекистан № УП-4005 от 6 ноября. 2018 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбной отрасли», «О

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан».

мерах по поддержке и повышению эффективности рыбной отрасли», Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4816 от 29 августа 2020 г. и Постановления Кабинета Министров «О мерах по комплексному развитию рыбоводческой отрасли», №719 от 13 сентября и «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбоводства» №845 от 18 октября 2017 г. Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит развитию рыбной отрасли на основе инновационных исследований и разработок, формированию качества кадров в соответствии с современными требованиями и повышению их практической эффективности.

Соответствие исследования основным приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетами развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

